Стратегик ... КУТУБХОНАСИ ...

2006 ЙИЛ, 18 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 74 (10.631) Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари - банк-молия, суғурта, ахборот- коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор мезонларига мос келмаяпти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткичларга таққослаб бўлмайди.

Бу мамлакатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50-60 фоизни ташкил этади, ваҳоланки, республикамизда бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмайди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли- туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истиқболли - юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари ва тадбирлари 1-3- иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий жавобгарлик вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дастур ижросининг боришини тизимли мониторинг қилсин ва чорак, ярим йил ва йил якунлари бўйича ўтказиладиган ўз мажлисларида кўриб борсин.

(Давоми 2-бетда.)

ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАР КЎЛАМЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, УНИ ЎСТИРИШНИНГ БАРҚАРОР ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРИНИ, БАРҚАРОР ВА МУТАНОСИБЛАШТИРИЛГАН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ, ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК СЕКТОРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭКСПОРТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИШ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАГИ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИГА ҲАМДА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР АНА ШУЛАРДАН ИБОРАТДИР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат силжишларига эришилди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг саноатда 6,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,5 фоизга, қурилишда 3,6 фоизга, транспорт ва алоқа тармоқларида 7,3 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 6,3 фоизга кўпайишига эришилди. Ушбу ижобий жараён инвестицияларни ва экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали мустаҳкамланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 387,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирлар таркибий ўзгартирилаётган 484 корхонадан 324 тасида ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди.

Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 208 корхона, объектлар ҳамда акциялар ва улушларнинг давлат пакетлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларига айлантирилди ва биржа ҳамда биржадан ташқари савдоларда, улардан 142 (68,2%) объект тўлиқ хусусий секторга сотилди.

Ҳукумат томонидан ишчанлик муҳитини яхшилаш, солиқ юкини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсишига ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2005 йил I чорагидаги 28,2 фоиз ўрнига 30,1 фоизгача кўпайтиришга ёрдам берди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар кўламларини кенгайтириш ва уни модернизациялаш мақсадида 615,6 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, улардан 67 фоизини ишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар ташкил қилди. Ўзлаштирилган хорижий кредитлар ва инвестициялар миқдори 86,9 миллион долларни, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар 57,1 миллион долларни ташкил этди.

Бир қатор корхоналар фойдаланишга топширилди, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган «ТошКая текстиль», ип- калавалар ишлаб чиқарадиган «Марғилонтекс», «Баликчитекс» қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўл линиясини реконструкция қилиш, Тошкент иссиқлик энергия марказини модернизациялаш, Резаксой сув омборини ва бошқа шу каби йирик объектларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш кўлами кенгаймоқда. Уни амалга ошириш доирасида бугунги кунда 119 корхона ишлаяпти, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган самараси 241 миллион долларни ташкил қилди.

Истеъмол бозорини, савдо ва пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда, уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий натижалар кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги қайта ўзгартиришлар чуқурлашмоқда. Тармоқда ялпи маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш суръатлари ошмоқда. Қайта ташкил этиш жараёнига 219 мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатлари қўшилди.

(Давоми 2-бетда.)

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ МАСАЛАСИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ. ЧУНКИ У ҲОКИМИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ. ШУ МАЪНОДА, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН ЮРТИМИЗДА МАҲАЛЛАЛАР, ФУҚАРОЛИК ЙИҒИНЛАРИНИНГ ЭНГ ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ УСУЛИ ВА ТИЗИМИ СИФАТИДАГИ ЎРНИ ҲАМДА ТАЪСИРИ КЕНГАЙИБ, ҲАЁТИМИЗДАГИ МОҲИЯТИ ТОБОРА ЎСИБ БОРИШИ ТАБИИЙ.

Бунда Президентимиз Ислом Каримов Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берган устувор вазифалар, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, қишлоқ фуқаролик йиғинларининг ролини ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти юртдошларимизнинг кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар жараёнларига онгли, манфаатли ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган муҳим омиллардандир.

Мамлакатимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолларини) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда РАЖАБОВА билан мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий воқеанинг аҳамияти, сайловга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида суҳбатлашдик.

—Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотлар тадрижий, яъни босқичма-босқич амалга оширилмоқда, — дейди М.Ражабова. —Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги стратегик вазифалар, аввало, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдан иборат.

Май ойида бошланадиган фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ ижтимоий- сиёсий жараён катта аҳамиятга эга. Мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмун-моҳият билан бойитиши баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, демократик қадриятларнинг жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиз отишига, энг муҳими, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ҳамда ваколатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, сайлов жараёни очиқ ва ошкора руҳда, демократик тамойилларга тўлиқ мос равишда ўтказилади.

(Давоми 3-бетда.)

Қисқа сатрларда

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 75-мактабда, Учтепа қурилиш касб-ҳунар коллежида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатлари аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий онгини юксалтириш масалаларига бағишланди.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги «Қорасув» маҳалласида май, июнь ойларида уюштириладиган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш масаласига бағишлаб ўтказиладиган семинарда туман маҳаллалари фаоллари, маслаҳатчилари иштирок этишади.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида «Камолот» сардорлари, етакчилари, фаоллари иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган ҳисобот йиғилишида ёшлар ташкилоти томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Ҳамза компьютер касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Соғлом оила — жамиятимиз негизи» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Халқ демократик, Фидокорлар миллий демократик партиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда депутатлар парламентнинг қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонунлар лойиҳаларини ҳамда фракция фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий негизлари» мавзуида анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори асосида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.

● «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови — демократиянинг амалдаги ифодаси» мавзуидаги мўъжаз қўлланма нашрдан чиқди. Қўлланма сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун жойларда тузилган комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, сайлов масалалари билан қизиқувчи барча фуқаролар учун мўлжалланган.

● Самарқанд шаҳар ҳокимлигида вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда кўҳна шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари, Самарқандни 2025 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси ҳақида сўз борди.

● «Камолот» ЁИҲ Андижон вилоят Кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да «Саховат» хайрия тадбирини мунтазам ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Қатор ташкилотлар ҳам бош қўшган мазкур ташаббусдан мақсад аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат.

● «Наманган маҳсулотлари — 2006» ярмаркасида 60 дан ортиқ корхоналар, ташкилотлар, фирма ва хусусий тадбиркорлар иштирок этди. Ярмаркада озиқ-овқатлар, мебеллар, қурилиш ва саноат маҳсулотларининг юзлаб турлари намойиш этилди. Тадбирда вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳтабга тааллуқли товарлар, мебеллар ва спорт анжомларига муҳим эътибор қаратилди.

● Чирчиқ шаҳрида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида ўтказилган илмий-амалий семинар буюк аждодларимизнинг ҳомийлик ишлари мавзусига бағишланди. Мазкур тадбир Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британияда террорчиликка қарши янги қонун кучга кирди. Унга кўра, энди мамлакатда террорчилик ҳаракатларини ташкил этиш учун қўлланмалар тарқатиш таъқиқланади. Шунингдек, янги қонунга мувофиқ, атом электр станциялари ва бошқа ядро объектларига ноқонуний равишда кириш террорчилик ҳаракатига тенглаштирилиши мумкин. Бундан ташқари, энди террорчиликда гумон қилинаётган шахсларни полицияда ушлаб туриш муддати 14 кундан 28 кунгача узайтирилди.

● АҚШда Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлорнинг ўғлини ҳибсга олишга рухсат берилди. 29 ёшли Чарльз Макартур Эммануэл ҳужжатларни қалбакилаштиришда айбланмоқда. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Сьерра-Леонеда Эммануэлнинг отаси Чарльз Тейлор устидан суд ўтказилмоқда.

● Америкадаги Аризона университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан профессор Гоцян Ли раҳбарлигида сиқиқ кристалли линзадан тайёрланган янги моделдаги кўзойнак ихтиро қилинди. Янги кўзойнак кузатилаётган предмет турган масофадан келиб чиққан ҳолда ўз оптик хусусиятларини ўзгартиришга эга.

● Тўхтамай ёғаётган ёмғир ва қор эриши натижасида пайдо бўлган сув тошқинлари оқибатида Европа қитъасининг жануби-шарқидаги аҳоли жабрланмоқда. Жумладан, Дунай дарёси сувларининг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетиши натижасида Сербиянинг ўнлаб туманларида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Болгария ва Руминия чегарасидаги аҳоли пунктлари ва экин майдонлари сув остида қолди. Сув тошқинларини ҳатто муҳофаза мақсадида бунёд этилган дамбалар ҳам тўхтатиб қололмаяпти.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 19 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9- 11, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006 — 2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мақсадли кўрсаткичларга эришиш ва асосий йўналишлар бўйича белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур ҳажмда молиялашнинг аниқ манбаларини 1 ва 2- иловаларга мувофиқ белгилаган ҳолда 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқсин ва бир ой муддатда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва ҳар бир фуқарони, айниқса, қишлоқ жойларидаги фуқароларни сифатли хизматлар билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни қабул қилсин. Мазкур дастурларда анъанавий хизмат турларини кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 3-иловага мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратиш орқали бу соҳада аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича чоралар кўзда тутилсин.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги замонавий даража ва тез ўсаётган талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ишларининг ҳозирги аҳволи қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида бир ой муддатда ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси:

бир ой муддатда «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган Фаолият турларининг умумдавлат статистика классификаторини тасдиқласин ва уни босқичма-босқич статистика амалиётига киритсин;

аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин;

7. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган имтиёзнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўлланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 17 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этишга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурида назарда тутилган тадбирлар режали асосда амалга оширилмоқда.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида мактабларнинг махсус комиссиялари қарорлари билан ўқитувчиларнинг 41 фоизига мактабларнинг махсус ташкил этилган директор жамғармаларидан тўланадиган устамалар белгиланди, қарийб 370 минг тиббиёт ходимлари янги тарификация бўйича иш ҳақи олишмоқда, унга мувофиқ иш ҳақининг ўсиши ўртача 30 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, мажлисда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қатор йўналишлари бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан эришилган натижаларда тўхтаб қолиш мумкин эмаслиги, балки республика ҳукуматининг жорий йилнинг 10 февралидаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири Р.Азимов маърузасида асосий эътибор 2006 йил I ярим йиллигидаги прогноз параметрларини сўзсиз бажаришга доир чора-тадбирларга қаратилди. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблигини сақлаб қолиш масаласига, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кўпайтириш, корхоналарнинг фойда олишини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мавжуд резервларни сафарбар этиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилди.

Тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб рақамларидан ва жисмоний шахсларнинг омонатларидан нақд маблағларнинг узлуксиз берилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзларини қисқартириш учун кўрилаётган чора- тадбирлар муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишларига пойтахт истеъмол бозорини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари билан тўлдириш масалаларини ҳал этиш бўйича назоратни сусайтирганлиги учун принципиал баҳо берилди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаевнинг ҳисоботлари эшитилди. Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев ва Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Тангриевнинг ҳисоботлари маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича минтақавий дастурларнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Мажлисда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Р.Рўзиқулов, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э.Зикриёев ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси М.Худоёровнинг фаолияти корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларда қайта ишланаётган маҳсулотларнинг зарур даражада ҳисобга олинишини ва уларни сотиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш масалаларидаги мавжуд камчиликлар учун қаттиқ танқид қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраев, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Қ.Рофиев, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш.Ибрагимов ва Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳайтқуловнинг ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги секторидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг боришига бағишланди.

Мажлисда сўзга чиққанлар томонидан қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжаликларига, шу жумладан мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига айлантириш якунларига баҳо берилди, фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишдаги ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини ташкил қилишдаги мавжуд камчиликлар очиб ташланди. Мини-банклар ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш учун фермер хўжаликларига ўз вақтида кредитлар ажратиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мажлисда чигит экишни ва зарур агротехника тадбирларини муваффақиятли ўтказиш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Молия вазирининг ўринбосари Ж.Кўчқоров, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Р.Раҳматуллаев ва Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи А.Сагировнинг ҳисоботлари халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этишнинг боришига бағишланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида мазкур вазирликлар ва уларнинг ҳудудий органларининг малакали ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, педагоглар ва тиббиёт ходимларининг шахсий ҳиссасини, ўқув-тарбия жараёни натижадорлигини ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларга устамалар белгилашда мустақиллик ва масъулиятлилик принципларини мустаҳкамлаш борасидаги ролини кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлисда тегишли вазирликлар ва идораларга йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, тармоқлар потенциалини ошириш ҳамда 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини сўзсиз бажариш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЎзА

Танловлар

ОЛИЙ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

КУНИ КЕЧА ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН МИҚЁСИДА ЎН ТЎРТИНЧИ БОР «ЯПОН ТИЛИ БЎЙИЧА НОТИҚЛИК САНЪАТИ» ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ.

Танлов Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Кусумото Юичининг табрик сўзлари билан бошланди.Шунингдек, дастур бошловчилари меҳмонлар, ҳакамлар ҳайъати ҳамда танлов иштирокчилари билан таништириб, танловнинг қонун-қоидалари ва баҳолаш мезони ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Танловнинг 23 нафар иштирокчиси ўзларининг бир-биридан қизиқарли маърузалари билан қатнашдилар. Япониялик вакиллар шунингдек, талабалар томонидан япон тилида ижро этилган куй-қўшиқлар, ўзбек миллий рақслари ҳамда саҳна кўринишларидан баҳраманд бўлишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган 6 нафар иштирокчи — Гулноза Қурбонова, Муқаддас Сафарова, Екатерина Цой, Севара Акбарова, Асрор Мўминов ва Умид Ортиқовлар «Марказий Осиё япон нотиқлик санъати» танловининг якуний, олий босқичига йўлланмани қўлга киритиш билан биргаликда элчи Кусумото Юичи томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Япон тилида тайёрлаган маърузамнинг юқори баҳоланишидан жуда хурсандман. Ушбу танловда ғолибликни қўлга киритишим бу менинг иккинчи ютуғимдир. Кейинги босқичда ҳам ишончни оқлаган ҳолда ғолиблик учун астойдил ҳаракат қиламан, — дейди I-ўрин соҳибаси Гулноза Қурбонова.

Ирода ХАЙРИДДИНОВА

ФРАНЦУЗ ТИЛИ БАЙРАМИ

ТОШКЕНТДА ФРАНЦИЯ ВА РУМИНИЯНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ФРАНЦУЗ ТИЛИДА СЎЗЛАШУВЧИЛАР УЧУН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

— Мазкур тадбир француз тилида сўзлашувчилар ва уни севиб ўрганувчилар учун катта байрамдир, — деди Франциянинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Бернар Арт. — Ҳар йили 20 март куни Халқаро Франкофония куни нишонланади. Биз, ўзбекистонлик барча франкофонларни табриклаймиз.

Элчининг сўзларига мувофиқ, бу сана тасодифан белгиланган эмас, 1970 йилнинг айнан шу куни Нигериянинг пойтахтида француз тилида сўзлашувчи давлатларнинг Халқаро ташкилоти тузилгани тўғрисида битим имзоланган эди.

Ҳозирги кунда Франкофония халқаро ташкилотига 63 мамлакат аъзо бўлиб кирган. Мазкур ташкилотнинг мақсади дунёда француз тилини кенг тарғиб қилиш ҳамда миллий ранг-баранглигини янада ривожлантиришдан иборат.

— Франкофония байрами жаҳонда ўзига хос ягона бўлган тадбир бўлиб, француз тилини тараннум этишга бағишланади, — деб таъкидлади Жан-Бернар Арт. – Шунингдек, бу маданий ҳаётда катта воқеа ҳисобланади. Яъни адабиётдан тортиб шеъриятгача, театрдан тортиб қўшиқчилик санъатигача катта байрам ҳисобланади. Бундан ташқари, бу байрам Франкофония давлатлари дипломатик корпусининг вакиллари ўртасида ҳамкорликни янада тараққий эттиришга бир туртки бўлади деб ўйлайман. Бу йил Руминияда Франкофония ҳукуматлари бошлиқларининг саммити ўтказилади. Ва шунинг учун ҳам мазкур давлатнинг фавқулодда ва мухтор элчиси Канстантин Алекса ҳам тадбиримизда иштирок этмоқда.

Тантанали қабул маросимида сўзга чиққан Константин Алекса ўз мамлакатида француз тилига катта эътибор билан қаралиши ва бу тилни ихлос билан ўрганишлари хусусида сўзлади. У Франкофония мамлакатлари раҳбарлари саммитининг ўз давлатида ўтказилиши ҳам катта аҳамиятга молик эканини эътироф этди.

Ўзбекистонда Франкофонияни нишонлаш 16 мартдан бошланди. Юз нафардан ортиқ талаба театр кўрик-танловида иштирок этишди. Кўрик-танловга француз тилида сўзлашувчи Жазоир, Бельгия, Франция, Швейцария каби давлатлар вакиллари ҳакамлик қилишди.

Театр кўрик-танловида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Юсуф Алиев ҳамда Франция маданият маркази талабаси Санжар Хўжаевлар биринчи ўринга сазовор бўлишди. Улар ўзлари яратган "Рангнинг телбалиги" пьесасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди. Байрам доирасида 205 нафар ўзбекистонлик талаба француз тили билимдонлари кўрик-танловида иштирок этди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети толиби Анвар Ширинов биринчи ўринни эгаллади. Уччала ғолиб ёзда Францияга 10 кунлик сафарга йўлланма олишди. Тошкентдаги Франция маданият марказида француз тилида сўзлашувчи давлатлар ҳаёти, маданияти, турмуш тарзини акс эттирадиган кўргазмалар ташкил этилди.

Жаҳонда 110 миллион кишининг она тилиси француз тили ҳисобланади, 70 миллион киши уни иккинчи тил сифатида тан олади, 82,6 миллион киши француз тилини хорижий тил сифатида ўрганади.

Ўзбекистонда 430 минг киши француз тилини ўрганмоқда, уларга 3500 ўқитувчи мазкур тилдан сабоқ беради.

"Туркистон-пресс"

Ободонлаштириш

ШАҲРИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚДА

АЙНИ КУНЛАРДА ЙЎЛ ЧЕТЛАРИЮ ШОҲКЎЧАЛАРДА, ХИЁБОНЛАРУ МАЙДОНЛАРДА - ҲАММА-ҲАММА ЖОЙДА ОҚ, САРИҚ, ПУШТИ, ҚИЗИЛ ГУЛЛАР ОЧИЛИБ, ИГНА БАРГЛИ ВА БОШҚА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ҲАМ ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚДА.

Шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан эрта баҳордан бошлаб пойтахт яшил ҳудудларини янада кенгайтириш мақсадида кўкаламзорлаштириш тадбирлари кенг қулоч ёйди. Бу борада шаҳар ичидаги махсус хўжаликларда агротехника ишлари жадал тус олган бўлиб, гулхоналар ҳам мавсумга қараб тартибга келтирилаётир. Шу кунгача пойтахт эҳтиёжи учун виола, маргаритка, лола каби август ойигача очилиб турадиган гул кўчатлари етказиб берилди.

— Шаҳримизда кўкламнинг илк кунлариданоқ очилиб турган гуллар Боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги жамоаси томонидан ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб парвариш қилинган, - дейди шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Саид Иброҳимов. - Бундан ташқари, бошқарманинг туман



бўлимлари томонидан ёз мавсумининг охиригача гуллайдиган турли бута кўчатлари ҳам экилди. Шунингдек, иқлим иссиқлиги туфайли қуриган, манзарали хусусиятини йўқотган дарахтлар ўрнига 68 минг 11 дона янги кўчатлар ўтказилди. Ҳозирда игнабаргли дарахтларга шакл берилиб, гул кўчатларини экиш ишлари ҳам давом этмоқда. Кўчатларнинг қуриб қолмаслиги, гуллар доимий очилиб туриши учун шаҳар ҳудудини сув билан таъминловчи Тошкент шаҳар сув хўжалигининг 37 та канали ҳамда бошқармамизга қарашли сув марказ бошқармасининг 51 та ҳавзаси тозаланиб, суғоришга шай қилинган. Иқлим мувозанатини таъминлаб туриш мақсадида ирригация тармоқлари мавжуд бўлмаган жойларда сунъий сув пуркагичлар ва насос-тортгич станциялари ҳам вегетация мавсумига тайёрлаб қўйилган.

Шаҳло ҲОШИМОВА

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН КЕЙИН ҲАР БИР СОҲАДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН ДАВЛАТ ТАЯНЧИ БЎЛМИШ СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАМ ФИКРИМИЗ ТАСДИҒИДИР.



Солиқ

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛАДИ

Куни кеча Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида «Республикамизда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликларни ОАВларда малакали ёритиш» мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ҳамда туман инспекцияларининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ташаббуси билан жорий йилнинг февраль-март ойларида ўтказилган Республика семинар-тренингларида билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари солиқ бошқармаларида тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларни ўтказишдан асосий мақсад эса солиқ тизимида рўй бераётган туб ислоҳотлар самарасини ОАВларда, хусусан маҳаллий ва марказий телевидение, радио ва газеталарда таъсирчан шаклларда ёритишда лаёқатли, билимдон, ўз соҳасини пухта билган давлат солиқ инспекцияларининг тажрибали мутахассисларидан иборат ижодий гуруҳ тузиш ва бундан буён улар ёрдамида Тошкент шаҳар солиқ идоралари фаолияти билан боғлиқ материалларни сифатли, таҳлилларга бой ва энг муҳими тезкорлик билан ёритилишини таъминлашга эришишдан иборатдир.

Навбатдаги семинар-тренингни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Зафар Ҳошимжонов бугунги кунда солиқ тизимида амалга оширилаётган ишлар, юртимизи иқтисодини кўтаришга бел боғлаган тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган енгилликлар ҳақида гапирар экан, матбуот ходимлари билан солиқчиларнинг яқин ҳамкорлик ўрнатиши солиқ сиёсатини халқимизга тўғри тушунтиришда ҳар томонлама фойдали бўлиши ҳақидаги фикрларни билдирди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби Шерзод Кудратхўжаев, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев ва бир қатор оммавий ахборот воситалари ходимлари сўз олиб бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар инсон манфаатига қаратилгани, хусусан солиқчи билан солиқ тўловчи ўртасида холис, яқин ҳамкорлик ўрнатилишига эътибор қаратилиши, солиқларни ўз вақтида тўлаб ўзининг ҳам, элу юртнинг ҳам бойлигига бойлик қўшаётган ҳалол, интизомли тадбиркорлар, жамоалар иши ва тажрибасига оид мақола, кўрсатув ва эшиттиришларнинг кўпроқ бўлиши, қолаверса юрт фаровонлиги йўлида қабул қилинаётган Фармон ва Қарорларнинг



мазмун-моҳиятини халққа етказишда соҳа ходимлари ҳамкорлигига таяниш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Қилинаётган ишлар самараси йўлида «Энг интизомли солиқчи», «Энг фаол солиқчи» каби қатор номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказиш ҳақидаги таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Иштирокчилар учун ниҳоятда фойдали бўлган ушбу тадбирда ўзаро фикр алмашилди, баҳс-мунозара, савол-жавоблар солиқ тизимининг янада кенгроқ, пишиқ-пухта ёритилишига замин тайёрлади десак асло муболаға бўлмайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА:бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.
Ҳасан Пайдоев олган суратлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҲАР БИРИМИЗ ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҒИМИЗ ЛОЗИМ

КЕЧА ПОЙТАХТДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ АБДУҚАҲҲОР ТЎХТАЕВ РАИСЛИГИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН САЙЛОВЛАР ЮЗАСИДАН ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. ЙИҒИЛИШДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАҲАР ВА ТУМАН КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ТУМАН ҲОКИМЛАРИ, ҲОКИМЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ 2003 йилнинг декабрь ойида 2,5 йил муддатга сайланган маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчиларининг ваколатлари шу йилнинг июнь ойида тугайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2006 йил 4 апрелда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» қарор қабул қилиниб, жорий йилнинг май-июнь ойларида республика миқёсида ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтиши белгиланди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг пойтахтдаги 474 та маҳалланинг барчасида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини ўтказиш юзасидан қарори ҳам қабул қилинди. Кенгаш томонидан шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари таркиблари тасдиқланди.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, айни пайтда туман комиссиялари томонидан ўз тасарруфлари кесимидаги барча маҳаллада фуқаролар йиғини кенгаши мажлислари ўтказилиб, уларда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ҳам тасдиқланган. Бу дегани сайлов жараёни тугагунга қадар ҳар бир маҳаллада сайловларга оид ташкилий масалалар билан шуғулланувчи махсус ишчи гуруҳлари фаолият юритади.

Бу йилги сайловлар «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонундан ташқари, шунингдек биринчи маротаба янги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари тўғрисида»ги Қонун талабларига биноан ўтказилади. Мазкур қонун ҳужжатининг аввалambор барча сайлов жараёнларини мувофиқлаштиришга йўналтирилганлигини инобатга олган ҳолда, ҳар бир туманга қўшимча равишда шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари ва бош бошқарма ва бошқармалар раҳбарларидан иборат махсус гуруҳлар бириктирилишига қарор қилинди. Ушбу гуруҳлар туман комиссиялари ва ишчи гуруҳларига сайловга оид ташкилий ҳамда бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини амалга оширадилар.

Комиссиялар ва гуруҳлар ишида изчиллик ва самарадорликни таъминлаш учун сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган саволлар ва муаммоларни даставвал муҳокама этиш борасида семинарлар ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодларни танлаш, шунингдек, маҳалла фуқаролари ичидан бевосита сайловларда иштирок этиш ваколати бериладиган вакилларни сайлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тегишли қонун ҳужжатларига асосан ҳар бир маҳалладан сайловчиларга энг муносиб кишини танлаш имкониятини яратган ҳолда камида учтадан номзод кўрсатилиши лозим. Маҳалла оқсоқоли вазифасига номзодларни белгилашда аҳолининг фикри ва таклифлари албатта ҳисобга олиниши керак. Бу борада бўлажак оқсоқолларнинг ташкилотчилиги, дунёқараши, барча жабҳалардаги ислоҳотлардан яхши хабардор бўлиши ва уларни жойида татбиқ этиш қобилиятига эга, маҳалладошларининг истак-хоҳишларига нисбатан ғамхўрлик кўрсата олиши, яъни бир сўз билан айтганда, фидойи инсон номига муносиб бўлмоқ лозимлигини унутмаслик зарурдир.

Ўз навбатида, овоз берувчилар сонини белгилашда расмиятчиликдан йироқ бўлиб, бу масалага ҳам ташкилий жиҳатдан алоҳида ёндошиш керак. Маълумки, вакилларга катта масъулият юклатилади — улар кўпчилик маҳалла аҳли номидан у ёки бу номзодга овоз бериш ҳуқуқига эгадир. Маҳаллаларда сайловлар бўлиб ўтиши, оқсоқол лавозимига ким сайланаётгани хусусида ҳар бир маҳалла фуқароси билмоғи даркор. Бунинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб ҳамда ўтган сайлов кампанияларидан орттирилган тажрибадан келиб чиққан ҳолда вакиллик меъёри 30 кишидан кам бўлмаган таркибдан бир вакил сайланиши белгиланди.

Йиғилишда шунингдек, ҳар бир комиссия, ишчи гуруҳлари, барча ўзини ўзи бошқариш органларини сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнларида керакли бўлган ҳужжатлар тўплами билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бугунги кунда, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш даврида биринчи навбатда жамоат тузилмаларининг фаоллик кўрсатиши табиийдир. Шубҳасиз, улар сирасида ноёб бошқарув институти деб тан олинган маҳалла ҳар доимгидек етакчи куч бўлиб қолаётир, зеро, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросининг ҳаёти маҳалла билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Маҳалладан ҳар янги кунимиз бошланиб, ишда ёки ўқишдами — қаерда бўлмайлик, яна шу маҳаллага албатта қайтишимизни ҳеч ким инкор қилмайди. Демак, худди шундай равишда ҳеч биримиз маҳаллада қандай янгилик борлигига, унинг бошида ким турмоғи кераклигига бефарқ бўлишга ҳақли эмасмиз. Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга жараён ҳисобланади. Шу боис ҳар бир киши сиёсий ва фуқаролик нуқтаи назаридан сайловларда фаоллик билан қатнашиб, ушбу жараёнга бевосита ўз муносабатини билдирмоғи лозим.

Аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари айнан шу тарзда олиб борилиши муҳимдир. Бу борада, албатта, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс, шунинг учун ҳам газета, телевидение, радио, агентликлар зиммасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнларини кенг ёритиш масъулияти юклатилгандир.

Йиғилишда шунингдек, бўлажак ижтимоий-сиёсий тадбирнинг мавзусига оид шаҳарни безаш борасида ҳам тегишли тузилмаларга топшириқлар берилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Қарор ва ижро

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 5 АВГУСТДАГИ «ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАГИ «БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА 2005 ЙИЛ 5 АВГУСТДАГИ «БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРДАН НАҚД ПУЛ ТЎЛОВЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИДА ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ, УЛАРГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИЛМОҚДА.

Туманимизда нақд пул тушумига эга бўлган савдо объектларига нақд пул тушуми истиқбол режаси белгиланган бўлиб, ушбу режа 5 та банкда бажариб келинмоқда. Туманимизда инкассация шартномасига эга бўлган 747 та нақд пул тушумига эга бўлган объектлар, 7 та инкассация йўналиши мавжуд бўлиб, уларда 7 та ходимимиз иштирок этади.

Нақд пул тушумини ошириш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида хронометраж ва мониторинглар ўтказиш ва унинг натижасини назорат қилиш бўйича ДСИнинг буйруғи чиқарилиб, тумандаги барча банкларга ДСИнинг раҳбар ходимлари бириктирилган. Улар томонидан кунлик нақд пул тушумининг тўлиқ кирим қилиниши ва инкассация орқали банкка топширилиши таъминланмоқда.

Бундан ташқари ДСИ буйруғига асосан ҳар бир ходимимизга ҳудудлар бириктирилган бўлиб, улар ҳар бир нақд пул тушумига эга бўлган корхоналарга белгиланган ойлик касса режаси бажарилишида нақд пул тушумларини назорат-касса машиналарига тўлиқ кирим қилиниб, инкассация орқали банк муассасаларига топширилишининг таъминланиши юзасидан назорат ишларини амалга ошириб келмоқдалар.

Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан белгиланган истиқбол касса режасини ҳар бир нақд пул тушумига эга бўлган объектларга топшириш ходимларимизга юклатилиб, улар томонидан юқоридаги объектларга истиқбол касса режаси ҳақида огоҳномалар берилди.

Марказий банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан нақд пул тушуми бўйича 628 та маълумот келиб тушган бўлиб, шундан жорий йилнинг 3-ойида жами 56 та қисқа муддатли текширишлар ўтказилган. Ушбу текширувларнинг 56 тасида камчиликлар аниқланган. Текшириш натижасида 17 та ҳолатда, жами 789,2 минг сўм назорат касса машиналарига кирим қилинмаганлиги аниқланган.

Нақд пул тушумини яшириш 21 та ҳолатда аниқланиб, жами 1762,1 минг сўм нақд пул тушуми инкассация орқали банкка топширилмаганлиги маълум бўлди. Шундан 21 та юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жами 1762,1 минг сўм молиявий жарима қўлланилган.

Шунингдек, жорий йилнинг 3 ойида 1 та хуфёна ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлар аниқланган. Натижада 658,0 минг сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хом ашё ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган дастгоҳлар далилий ашё сифатида олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори талаблари бажарилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижасида 22 та ҳолатда маҳсулотларга божхона юк хати ва сифат сертификатлари йўқлиги аниқланган. Натижада ушбу маҳсулотлар вақтинча олинган. Акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш эса 3 та ҳолатда аниқланиб, 2635 қути, жами 924,0 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари олинган.

Туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда жами 3 та қисқа муддатли текширувлар ўтказилган.

Жорий йилнинг 3 ойи мобайнида ўтказилган текширувларда аниқланган камчиликлар юзасидан 51 та шахсга нисбатан 448,8 минг сўм маъмурий жарима қўлланилган. 8 та ҳолатда тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқишлик учун туман судига юборилган. 5 та ҳолатда тўпланган ҳужжатлар туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига юборилган ва 5 та шахсга нисбатан Республика ЖПКнинг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилган.

Бундан ташқари туманда нақд пул тушумига эга бўлган савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 739 та объектларда хронометражлар ўтказилди. Натижада бир кун олдинги тушумга нисбатан жами 99300,0 минг сўм ошганлиги аниқланган.

Шунингдек, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини амалда қўллаш мақсадида текширишлар сони кескин қисқаришига эришилмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Фармон ўз вақтида қабул қилинганлиги ва тадбиркорлик ривожига муҳим ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир. Албатта, юқоридаги қарорлар ва Фармон ижросини таъминлашга қўшган ҳиссамиз мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги учун муҳим аҳамият касб этишини ходимларимиз дилдан ҳис этишмоқда.

Алишер ҒАНИЕВ,
С.Раҳимов туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Сайловни ўтказишга доир қандай қонун ҳужжатлари мавжуд?

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ушбу сайловни ўтказишда ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади.

Бош қомусимизда акс эттирилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи бўлиб, унга мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, Конституциямизда сайлов тизимига алоҳида боб ажратилган.

Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раиси (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланган. Конституциямиздаги мазкур умумий меъёрлар номлари юқорида келтирилган қонунларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бир неча маротаба фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайлов жараёнларида тўпланган амалий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, 2004 йилнинг апрель ойида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бу йилги сайлов жараёнида ана шу қонун биринчи маротаба амалиётда синовдан ўтади. Шунинг учун мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва ундаги меъёрларга амал қилиш лозим.

— Сайловнинг асосий принциплари ва унда иштирок этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида қандай кафолатланган?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин «ўзини ўзи бошқариш органи» тушунчасига аниқлик киритиш зарур. Қонунда унга қуйидагича таъриф берилган: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир». Кўриниб турибдики, мазкур меъёр моҳиятида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқидан иборат экани ўз ифодасини топган.

Шу боис фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам бошқа сайловлардаги каби демократик тарзда, яъни маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзини ўзи бошқариш органини шакллантириши лозим. Бундай эркин сайловлар орқали нафақат ўзини ўзи бошқариш органи шаклланади, шу билан бирга фуқаролар йиғини, айниқса, сайлов орқали вазифасини бажаришга киришган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларининг жамият олдидаги масъулияти ҳам ошади.

Юридик манбаларда сайловлар муқобиллик, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, сайловчилар хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши таъминланган шароитда ўтгандагина демократик ҳисобланиши қайд этилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда ана шу учта муҳим шарт тўлиқ кафолатланган. Хусусан, мазкур қонунда ошкоралик тамойили тўғрисида шундай дейилган: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади».

Ошкоралик принципини рўёбга чиқаришдаги яна бир талаб шундан иборатки, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда сайлов ҳақида тўлиқ маълумотларни аҳолига ўз вақтида етказиши зарур.

Тенг сайлов ҳуқуқи - тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда иштирок этишида намоён бўлади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида тенг сайлов ҳуқуқи принципини рўёбга чиқаришдаги ўзига хос усулдан фойдаланиш мумкин. Яъни, бунда фуқаролар ўзларининг вакиллари орқали сайловда билвосита иштирок этадилар. Бу ҳуқуқ ҳам қонунчилигимизда кафолатланган.

— Сайловни ташкил этиш жараёнлари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Бу сайловни ўтказиш кенг қамровли ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Аввало, жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади. Бу комиссиялар тегишли ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашининг қарорига биноан ташкил этилади. Комиссиялар таркиби давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат ташкилотлар, жумладан, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакилларидан иборат бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг кўмаклашувчи комиссиялар таркибида бўлишига йўл қўйилмайди. Кўмаклашувчи комиссиялар қонунда белгиланган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш, тегишли ишчи гуруҳ фаолиятини йўналтириб бориш, сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилиш, ишчи гуруҳдан туман, шаҳар ҳокими билан келишиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига доир ҳужжатларни қабул қилиш, сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш, ишчи гуруҳларнинг сайлов масалаларига доир ахборотларини тинглаш, сайлов якунларини чиқариш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бунга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳар бир фуқаролар йиғинининг қарори билан раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни бевосита амалга оширувчи ишчи гуруҳлар тузилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби ўша ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фуқаролар йиғинлари вакилларидан иборат бўлади. Ишчи гуруҳ таркибига раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчилари вазифаларига номзодларнинг кириши мумкин эмас. Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойини белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади. Шунингдек, фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади, аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сайловда иштирок этадиган номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам қисқача тўхталмоқчиман. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар қонунда белгилаб қўйилган талабларга жавоб беришлари лозим. Номзод қоида тариқасида олий маълумотли, сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў- эътиборга эга бўлиши керак. Номзодларга қўйиладиган бу талабларни ҳар бир ишчи гуруҳ янада чуқурроқ таҳлил қилиб, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиши лозим. Маслаҳатчилар вазифасига номзодлар эса фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

Бунда холислик, ошкоралик, муқобиллик тамойилларига қатъий амал қилиш лозим.

Мухтасар айтганда, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни ўз вақтида, бир маромда амалга ошириш сайловнинг муваффақиятли ўтишига имкон яратади. Ўз навбатида, сайловчи ва сайланувчи юртдошларимизни сайловда фаол иштирок этиб, ўз хоҳиш- истакларини ифода этишга ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан ёндашишга ҳамда шу билан жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада эркинлаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз. Бинобарин, мазкур сайлов жараёни жамиятимизни ислоҳ этиш ва мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш жараёнида ўзига хос босқич бўлиб қолишига ишончим комил.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди

Умуммиллий дастур — амалда

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИДА 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЧОП ЭТИЛГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда педагоглар, ўқитувчилар, дарслик муаллифлари, халқ таълими бошқармалари мутасаддилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида дарслик ва ўқув қўлланмаларининг сифатини янада такомиллаштириш ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил ноябрь ойидаги 2005- 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш дастури тўғрисидаги қарорига кўра янги ўқув йили учун 333 номдаги дарслик янгидан яратилиши ва қайта нашр этилиши кўзда тутилган.Улар ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги дарсликлардир.

Белгиланган режа асосида 129 номдаги дарслик қайта нашр этилади. 56 номдагиси қардош тилларга таржима қилинди. Шундан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун 33 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаси ҳукумат комиссияси томонидан чоп этиш учун тавсия қилинди.

Ҳозирги кунда нашрга тавсия этилган дарсликлардан 79 номдагиси салкам тўрт миллион нусхада белгиланган муддатдан илгари чоп этилди. Уларнинг мазмуни, дизайни, сифати, техник тафсилоти, ўқувчи ёшига мослигига алоҳида эътибор қаратилган. Нашр қилинган дарсликларни қабул қилиб олиш ва жойларга етказиш ишларини такомиллаштириш мақсадида, икки йилдирки, юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида дарсликларни қабул қилиш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда.

Семинар иштирокчилари барча мактаблардаги дарсликларни қабул қилиш комиссиялари фаолиятини самарали ва тўғри ташкил этиш, умумтаълим мактаблари кутубхона жамғармалари учун харид этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини қабул қилиш тартиби, дарсликларни тасдиқланган тақсимот асосида мактабларга етказиб бериш ҳақида маълумот олди.

ЎзА

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бир ҳакимдан: «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўрадилар. Ҳаким: «Ҳеч нарсадан ранжимайдиган киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларида эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

ХУРРАМИЙ

Тутма багъу бирла суҳбатким, «ёмон сўз захридир,
Неши занбўри киби ҳардам берур озорлар.

МУНИС

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.

ҲАДИС

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлуб,
Бағрим куюб, жондан тўйиб, ўлдим мано.
Тўғри айтсам, эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютуб, ғам захрига тўйдим мано.

Аҳмад ЯССАВИЙ

Кимки мулойим бўлса саодатлик, кимки камгап бўлса саломат бўлади.

Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

ҲИКОЯТ. Бир ота ўз фарзандини дўстлари билан улфат бўлишдан ман қилар, ёронлар илтифотидан маҳрум қилишга уринар эди. Фарзанд эса унинг сўзига кирмас эди. Бир куни унга дедим: «Ота кўнглини оғритишинг яхшими?» У деди: «Юзлаб одамларнинг кўнглини ўкситишдан кўра бир дилни оғритганим маъқул!»

Гавҳар учун пайдо бўлгач харидор,
Дурнинг садаф билан нима иши бор.

ХУРРАМИЙ

Ҳар кимсаки андуҳ анинг кўнглида йўқ,
Таҳқиқ бил ани яхшики, одам эмас.

ТОЛИБИЙ

Фаридундан сўрадилар: «Одамларни ўзингдан узоқлаштирмасликнинг чораси нима?» У деди: «Чидам ва мулойимлик». Яна ундан: «Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади?» деб сўрадилар. У яна: «Чидам ва мулойимлик билан!» деб жавоб берди. Бу борада шоирлар шундай деган:

Сўзлашув, муроса билан битажак,
Ҳар қийин масала, ҳар бир қийин иш.
Қалқону тиқ билан битмаган ишни,
Юмшоқ сўзлик билан мумкин битирмак.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Ширин сўз одамларнинг қалбини боғловчи занжирдир.

Кишида илм билан ҳалимликнинг бирга бўлиши буюк фазилат.

«ОТАЛАР сўзи»

Юзинг хуршеддек тобанда бўлсин,
Жамолинг то абад поянда бўлсин.
Такаллум қил, сочилсун дурру гавҳар
Табассум қил, жаҳон пурҳанда бўлсин.

ОТОЙИ

Ёмон хулқлуғ бирла ўлтурма зинҳор,
Отинг чиқғай «ёмон» теб, хуш бил, эй ёр!

ҚУТБ

Ҳакимларнинг айтишича, шижоат, саховат, хушхулқлик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуғлик сармоясидан баҳраманд бўлганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоатга аҳён-аҳёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг уддасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгасидан барча катта-кичик ҳурсанд бўлади. Бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишидан ташқари, ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулойимлик қайтади. Қитъа:

Абадий саодатнинг калити хушфеълликдир,
Аммо унга баъзилар доим муяссар эрмас!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Табассум қилса лаълинг жон бағишлар,
Магар Исойи Руҳуллоҳ сен-сен.

ОТОЙИ

Ростдан ҳам, барча нарсадан ёқимли сифат хушфеълликдир. Хушфеъллик доимо керак. Чунки хушфеълликка ҳамма муҳтож! Байт:

Юз миллатнинг китобин ўқиса ҳам омидир,
Одамийлик китобин ўқимаса ҳар киши!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

ҲИКМАТ. Лутфу карам аҳлига ўз қўл остидагилар билан ёмон муомала қилиш, уларга беҳуда азоб бериш, бўлар-бўлмасга хафа қилавериш нораводир. Аксинча, уларни ўз лутфу карами билан парвариш қилиши, тўғри йўл кўрсатиши ва айбларини афу этиши лозим. Дунё йўли текис эмас, биров ўз ақли билан тўғри юролса, биров қоқилади. Қоқилганни эса суяш керак. Байт:

Бировга қилмагил жабру-жафо охир
хатар бордир,
Ҳамиша яхшиликдан кўнгил шоду, зафар бордир.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Бир табассум бирла хушдил қил, мани десанг агар,
Кўнгли абтар, ранги чун зар, дийдаси тар бўлмасун.

БАЁНИЙ

Тулкидан: «Қачонгача овқат тополмай оч юрасан, шернинг хизматини қилсанг бўлмайдими, барча жониворлар шернинг мулозиматини қилиб, овқатдан баҳраманд бўляптилар» — деб сўрашди. Тулки: «Мен ҳам куни келиб бошқа ҳайвонларга овқат бўлиб қолишдан қўрқаман», — деб жавоб берди. Байт:

Яхши феълли киши душманинг бўлса,
Бадфеъл дўстдан кўра афзалроқ эрур!

ХУРРАМИЙ

Кишига ҳасад қилма, ўзингни яхши тут,
Бу қиликдан доим ғам-ташвиш келади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Эй ўғил! Токайгача сен ўз осойишталигинг ҳақида ўйлайсан? Шундай иш қилки, сен сабабли бошқа одамлар ҳам осойишталик топиб, роҳатга етсин!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Эпчиллардан эпчилдир Митра,
Аҳли сахо ичида мумтоз,
Довюраклар ичида шердил,
Тўкинликлар яратгучидир.

«АВЕСТО»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

БОЛАЛАР УМРИМИЗ МАЗМУНИ, ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ, ХОНАДОНИМИЗ ФАЙЗИ, ОИЛАМИЗ ҚУВОНЧИДИР. УЛАРНИНГ ШЎХУ ШОДОН КУЛГУСИ, БЕҒУБОР, БЕОЗОР ҚАЛБИДАГИ ТУЙҒУЛАРДАН БИР ОЛАМ ШОДЛИКНИ ТУЯМИЗ, ҲАЛОВАТНИ ҲИС ҚИЛАМИЗ, ТАСКИН ВА ОРОМ ТОПАМИЗ. БУГУНГИ КУНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЖОНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ, ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ УЧУН САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.





Мактабгача таълим муассасаларида

БОЛАЛАР БОЛДАН ШИРИН

— Бизнинг 47- «Ширинтой» номидаги мактабгача таълим муассасамизда — дейди боғча мудираси Фотима Дадахонова, — болажонлар учун, уларнинг баркамол ва соғлом униб-ўсишлари, онг ва тафаккурларининг тараққий этиши учун тарбиячилар тинмай изланиб фаолият юритмоқдалар. Бола кўнгли беғубор, уларда ҳаётга интилиш, оламга қизиқиш, ажабланиш ва ҳайратланиш нигоҳи билан боқиш ҳисси кучлидир. Айни шу ёшда уларда сезиш, ҳис қилиш, идрок этиш, англашга интилиш, ажабланиш каби ҳислар кучли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тарбиячи болалар билан самимий мулоқотда бўлиб, уларнинг саволларига батафсил ва аниқ жавоб бериб, қизиқишларини ҳисобга олиб бориши шарт.

Ҳа, дарҳақиқат, болалар дунёси кашф қилинмаган сирли, сеҳрли пок оламдир. Унга кириш, уларнинг жажжигина туйғуларига шерик бўлишнинг ўзи инсонга ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Бу борада муассасамизда кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. 26 йилдан бери фаолият юритаётган мазкур маскан болажонларнинг севимли гўшасига айланган. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасасида 175 нафар болаларга таълим-тарбия берилмоқда. Улар учун рақс, каратэ, инглиз тили, рус тили тўгараклари, спорт тўгараклари мунтазам равишда фаолият кўрсатиб турибди.

Тажрибали психолог-логопед Гулсара Жалолова, Умида Тўлаганова, Зиёда Аҳмедова, Барно Ғаниева каби тарбиячи педагоглар ҳар бир ишда намуна кўрсатмоқдалар. Шунингдек, нутқида нуқсони бўлган болалар учун 8 та махсус гуруҳ мавжуд. Унда тажрибали мутахассислар болалар билан машғулотлар олиб борадилар. Яна шуниси эътиборга моликки ота-оналардан тузилган гуруҳ иштирокида турли тадбирлар, бадиий кечалар ўтказилиб турилади. Жумладан, Тошкент Ислом университети, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида мактабгача таълим муассасалари мураббийлари учун нашр этилган «Одоб дурдоналари» услубий қўлланмаси асосида ҳам турли хил мавзуларда ўйинлар, тест синовлари, машғулотлар олиб борилмоқда.

Болаларни маърифатга чорлаш, одоблиахлоқли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мактабгача таълим-тарбия муассасалари ходимлари эса, бу ишда ҳамиша асосий масъул шахсдир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: «Ширинтой» мактабгача таълим муассасаси ҳаётидан лавҳалар.

Билиб қўйган яхши

ИНСОН ЎЗИНИНГ ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТИДА ФАВҚУЛОДДА КУЙИШ КАБИ ТАСОДИФЛАРГА УЧРАБ ТУРИШИ МУМКИН. ТАНА КУЙИШИГА ТУРЛИ ОМИЛЛАР САБАБЧИ БЎЛИШИ МУМКИН. ЧУНОНЧИ ҚИЗДИРИЛАЁТГАН ЁҒДАН, ҚАЙНАТИЛГАН СУВДАН, ОТАШХОНА ТАФТИДАН, ҲАРОРАТИ ЮҚОРИ ТАОМЛАРДАН, ҚУЁШНИНГ ТИҒИЗ НУРИДАН, САНДАЛНИНГ ҚЎРИДАН, ТАНДИРНИНГ ҚАЙНОҚ "НАФАСИДАН", ЧЎҒДАН, ОЛОВДАН, ҚЎЙИНГЧИ, КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАР БЎЛМИШ ИШҚОР, КИСЛОТА, СИРКАЛАРДАН ҲАМ КУЙИШ ҲОЛЛАРИ УЧРАБ ТУРАДИ.

КУЙГАНДА ДАВО ЧОРАЛАРИ

Тананинг куйиши ниҳоятда азиятли, оғир дардлардан ҳисобланиши билан бирга, уни ўз вақтида даволамаса, асорати жуда ёмон оқибатларга олиб келиши билан хавфлидир. Тана жиддий куйганида зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат этиш лозим. Малакали тиббий ёрдамга қадар қуйидаги хонаки, туркона даволардан фойдаланиш мумкин. Куйганда эм бўлувчи воситалар аксари ошхона биситимиздан топилиши билан ажралиб туради.

● Мабодо танангизнинг бирор соҳаси куядиган бўлса, янги тухумни ийдирган ҳолда жароҳатланган жойга қўйиш ижобий натижа беради.

● Агар ошхонадаги меҳнат жараёнида тананинг бирор қисми куядиган бўлса, озорланган жойга ошқовоқ, ойимқовоқ, мускат қовоқ сингари табиат неъматларининг "гўшт" қисмини кесиб босилади.

● Фавқулодда бирор жойни куйдириб олинадиган бўлса, "мирзойи", "мушак" навли сўлқилдоқ сабзи навларини покиза ҳолда қирғичдан ўтказилган ҳолда жароҳатланган жойга қўйилади.

● Куйиш содир бўлганида обдон тозаланган қайроқи картошка палласини босиш ёҳуд крахмал сепиш дардга малҳамлик қилади.

● Мабодо ошхона шароитида жизғинак ёғ, сув, қизиб турган қозон қулоқлари, кастрюлка қопқоқлари, лопиллаб турган оташхона лаппаги, буғдан тананинг бирор жойи куядиган бўлса бош пиёзни тоза ҳолда қиймаланиб докага ўраб босилади. Бундай тадбир озорланган жойда пуфакчалар ҳосил бўлишининг олди олинади.

● Агар куйиш содир бўлиб, унинг тузалиши чўзилиб кетадиган бўлса, унда сархил-янги карам баргини яхшилаб қиймалаб, тухум оқига обдон аралаштириб жароҳатланган жойга қўйилса, яхши ёрдам беради.

● Шунингдек, куйганда илиқ ҳолидаги тўнғиз, қўй ёғи, зайтун мойи суртилиши ҳам яхши натижа беради. Мабодо пуфакчалар ҳосил бўлса, унда пуфакча тоза игна билан тешилади-да, унга жавдарли хамир ёпиштириб қўйилади. Хамирни кунига 3 маҳал янгилаб қўйиш керак.

● Баъзида иссиқ овқат, қайноқ сув ичиб юбориш билан томоқ куйиши содир бўлади. Бунда кунгабоқар ёғи ёки зайтун ёғини пиширилмаган тухум оқи билан аралаштирилиб ичилса, дардни енгиллаштиради.

● Куйган жойга қиздирилган кунгабоқар ёғини докага шимдириб боғлаш ҳам яхши фойда беради.

● Ҳар эҳтимолга қарши, хонадон шароитида ўстириладиган сабрўт (алой) ўсимлигининг баргларини қиймалаб бир неча кун қоронғуликда сақлангач, канакунжут мойига аралаштириб қўйилиб сақланса, куйишлар содир бўлганида ушбу доривор суртилади. Шунда озорланган тери асоратсиз тузалади.

● Ҳаётда гоҳида азиятли ҳолатлар учраши мумкин. Жумладан, автоулов ишқибозлари сульфат кислотасидан, уй соҳиблари кучли сирка кислотасидан бирор ерини куйдириб қўйса, зудлик билан тоза сув оқимида яхшилаб ювилади, сўнгра кучсиз ичимлик содаси (1 чой қошиқ 1 стакан сувга) эритмаси билан артилади.

● Мабодо тананинг бирор жойи ўювчи ишқор билан куйган бўлса, ўша жойни тоза сув оқимида яхшилаб ювиб, сўнгра кучсиз лимон жавҳари эритмаси ёки лимон шарбати билан артиш керак бўлади.

● Гоҳо кўл остида куйганда даво бўлувчи воситалар бўлмаслиги мумкин. Ана шунда азиятланган терини атир, спирт, арақ билан артиб асоратли ҳолларнинг келиб чиқмаслигининг олдини олиш мумкин.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос

Туйғулар

УФҚҚА БОШ ҚЎЯЁТГАН ҚУЁШ

КУН БЎЙИ ҚУЁШ ЎЗИНИНГ ЗАРРИН НУРЛАРИНИ ЧЕКСИЗ ОЛАМГА ТАРАТАДИ. БУ НУРЛАРДАН БУТУН АТРОФДАГИ БОРЛИҚ БАҲРА ОЛАДИ.

СЕРГАВЖУМ ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАГИ ЮЗЛАБ РУСУМДАГИ МИНГЛАБ АВТОМОБИЛЛАР, ТРАМВАЙЛАР, ТРОЛЛЕЙБУСЛАР ШОВҚИНЛАРИГА БИЗ ИНСОНЛАР АЛЛАҚАЧОН КЎНИКИБ ҲАМ КЕТГАНМИЗ.

Шаҳримиз чиройига ҳусн бағишлаб турган салобатли чинорлар, кўкка бўй чўзган арғувону сарвлар, арчалар, яна қанчадан-қанча дов-дарахтлар, турфа гуллар, мовий осмонимизда учиб юрган қушларнинг барча-барчасига қуёш ўзининг беминнат, туганмас нурларини сочаверади. Бу нурлардан баҳра олиб дов-дарахтлар юксакка бўй чўзиб бизларга мусаффо ҳаво бахш этса, турфа ўсимликлар, гиёҳларнинг ҳар бир тури ўз вужудларидан, сеҳрли заррин нурлардан мўъжизавий гуллар пайдо қилиб, сизга армуғон этади. Қалбларимизни қувончга тўлдириб, шаҳримиз кўчаларини, хиёбонларини гулу чечакларга буркайди.

Илмий сафарим юзасидан узоқ Қорақалпоғистон чўлларига йўл олар эканман, шаҳар осмонидан қуёш менга ҳамроҳ бўлиб эргашди.

Автобусимиз ҳам жойидан қўзғалиб узоқ манзил томон йўлга тушди. Пойтахти азим бир зумда ортда қолди. Кенг, катта, чиройли, бежирим узун йўллардан кетиб борар эканман юртимиз истиқлолга эришган шу қисқа ўн тўрт йил ичида амалга оширилган буюк ишлардан кўксим ғурурга тўлиб борарди. Йўллар жуда қулай, теварак-атрофингиз кенг, бепоён далалар, боғу узумзорлар, узун вагонларини ортган поездлар карвони ҳам ўзининг пўлат изларидан узоқ ўлкаларга учиб кетаётгандай бўлиб туюлди, менга.

Шу хаёллар оғушига чўмилиб кетаётиб ногаҳон қуёшга қарадим. Қуёш ҳам қизариб, уфққа бош қўяётганини кўриб, менинг ҳам кўнгил оламим уфққа бирлашиб бораётгандай туюлди.

Чунки қуёшнинг мўъжизавий қизғиш нурларини таратиб, осмонни қора булутлардан тозалаб уфққа бош қўйишини, бундай сир-синоат билан ботишини ҳеч кузатмаган эканман. Хаёлан бобо қуёшга таъзим қилиб шундай дегим келди: "Илоҳий нурларинг билан борлиққа ҳаёт бахш этиб, шу борлиқ олами билан омонликда тинч хайрлашаётган, барчага беминнат хизмат қилаётган Оллоҳнинг буюк мўъжизаси Қуёшим, эртага яна тонгимизни, мусаффо осмонимизни мунаввар нурларингга тўлдириб қайта-қайта, абадий чиқиб келавер."

Марҳамат МАТВАФОЕВА

Футбол

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЎТГАН КУНИ ЎТКАЗИЛГАН 6-ТУР УЧРАШУВЛАРИДА ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРГА ЯНА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.

Ҳали бирор марта ҳам мағлубият аламини тотиб кўрмаган «Пахтакор» футболчилари сафарда «Локомотив» жамоаси билан куч синашди. Шуни таъкидлаш жоизки, меҳмонлар бу сафар мезбонларнинг жиддий қаршилигига дуч келишди. Сабаби, темирйўлчиларнинг мамлакат чемпиони билан тенгма-тенг кураш олиб боришга, имкони борича чиройли ўйин намойиш этиб меҳмонлар устидан ғалаба қозонишга аҳд қилишгани учрашув мобайнида сезилиб турди. Бироқ, тажриба, маҳорат яна пахтакорчиларга қўл келди. Ихороуме Уче томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган гол «Пахтакор»га муҳим уч очкони ҳадя этди.

Турнир жадвалининг иккинчи поғонасида бораётган Муборакнинг «Машъал» жамоаси ҳам сафарда «Самарқанд—Динамо» билан куч синашиб, мезбонларни 1:0 ҳисобида мағлуб эта олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Тўпаланг» — «Насаф» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Андижон» — 0:1, «Шўртанг»— «Навбаҳор—Н» — 1:2, «Трактрочи»— «Қизилқум» — 0:1, «Нефтчи» — «Хоразм»—6:0, «Металлург» — «Бухоро» — 2:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 7-тур беллашувлари 21,22,23 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Беғам қоровуллар.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Мунажжим башорати

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ ОЛИНАДИГАН КУН

19 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МУНАЖЖИМ М.СМИРНОВА БУГУН ФАОЛ ВА ДАДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ. ЁЛҒИЗ ҚОЛМАНГ, КЎПЧИЛИК БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ, БОШҚАЛАР МАСЛАҲАТЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ, ДЕЙДИ У. ТАЖРИБА ВА БИЛИМЛАРИНГИЗНИ ЎРТОҚЛАШИНГ, АТРОФДАГИЛАРГА ГАПЛАРИНГИЗ ВА АМАЛИЙ ИШИНГИЗ БИЛАН КЎМАКЛАШИНГ, МУҲИМ ВОҚЕАЛАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНГ.

Иккинчи бир мунажжимимиз бугун тақдирларга таъсир этувчи кун эканини таъкидлайди. Бугуни кун воқеа-ҳодисаларини олдинги гуноҳларимиз, нотўғри қабул қилган қарорларимиз ёки масъулиятсиз ҳаракатларимиз тўлови сифатида қабул қилишимиз керак. Бугун биз ҳаёт сабоқларини ўрганадиган кун. Олий адолатни ҳар биримиз ўзимизча идрок этамиз.

Ҳаётда ўз йўлимизни муқаррар равишда танлашимизга тўғри келади. Бугун зарур қўнғироқлар қилишимиз, ёрдам ва қўллаб-қувватлаш ҳақида келишиб олишимиз керак бўлади.

Бугун харидлар учун омадли кун ҳисобланади.Шахсий ҳаётда қандайдир амалий қадамларни ташлаш, биргаликда бажариладиган режаларни келишиб олиш зарур. Ўзаро муносабатларда юз берган узилишларни аниқлаб, уларни тиклаш чорасини кўриш керак.

Кўзгунинг синиши, соатнинг бузилиши ва шамолнинг деразани очиб юбориши бугун нохуш аломатларни билдиради. Зеб-зийнат буюмлари ёки ялтироқ нарсани топиб олиш – омадингиз юришишига ишора. Бугун ҳаётингизда пайдо бўлган одам тақдирингизда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ёдингизда яхши сақланиб қолган ва кўриб бўлган заҳотингиз уйғониб кетган тушларингиз башоратли бўлади. Лекин улар кўп жиҳатдан сизнинг ўзингизга эмас, атрофингиздагиларга алоқадорлиги билан ажралиб туради.

Кўзларингизни зўриқтирманг, жигарингизни асранг, оғир ва дағал таомлардан воз кечинг. Қон топшириш ва қон қуйдириш бугун тавсия этилмайди. Ҳар қандай жисмоний машқлар, югуриш, ҳаракатда бўлиш, чиниқиш, устингиздан совуқ сув қуйиш фойдали бўлади.

Кўк ва қизил рангли кийимлар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Ола-була ва сариқ рангли либослардан нарироқ бўлганингиз маъқул.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6